

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУРБОНОВ УМИДЖОН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ЕТУК АХЛОҚИЙ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ**  
**ОМИЛЛАРИ (М.МОНТЕННИНГ “ТАЖРИБАЛАР” АСАРИ**  
**АСОСИДА)**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК:37.018.1:37.017.92

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Қурбонов Умиджон Эгамбердиевич**

Етук ахлоқий шахсни шакллантиришнинг фалсафий омиллари  
(М.Монтеннинг “Тажрибалар” асари асосида) ..... 5

**Курбанов Умиджон Эгамбердиевич**

Философские факторы формирования морально совершенной личности  
(на основе произведения «Опыты» М.Монтеня) ..... 23

**Kurbonov Umidjon Egamberdiyevich**

Philosophical factors in formation of a morally perfect personality  
(based on the «Essays» by M.Montaigne) ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of publications  
Список опубликованных работ ..... 45

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚУРБОНОВ УМИДЖОН ЭГАМБЕРДИЕВИЧ**

**ЕТУК АХЛОҚИЙ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ФАЛСАФИЙ**  
**ОМИЛЛАРИ (М.МОНТЕННИНГ “ТАЖРИБАЛАР” АСАРИ**  
**АСОСИДА)**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fal302 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шадманов Қурбон Бадриддинович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Рўзметова Гулноза Мирахбаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Рўзматзода Қодирқул**  
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “27” ИЮНЬ соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (137 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “14” ИЮНЬ куни тарқатилди.  
(2022 йил “14” ИЮНЬ даги 8 рақамли реестр баённомаси.)



**Наврўзова Г. Н.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шарипов А. З.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

*SKes*

**Саломова Х. Ю.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон фалсафий-ахлоқий тафаккурининг юксалишида Ғарб маданий-маънавий мероси ўзининг ўзига хослиги билан асрлар давомида умуминсоний қадрият сифатида доимий эътиборни тортиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, Европа Ренессанс даври мутафаккирларининг гуманистик моҳиятга эга мероси бугунги маданий жараёнларни уйғунлаштириш, умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш учун назарий аҳамиятга эга бўлиб, барча халқларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожланишида имконият яратади. Шу жиҳатдан олганда, бугунги глобаллашув жараёнида ахлоқий бузилишлар кучайиб бораётган бир даврда аҳоли, айниқса ёшларни “маънавий кашшоқлик”, “ахлоқий нигилизм”, “оммавий маданият” ғоявий, маънавий-маърифий меросидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга.

Жаҳон илм-фанида етакчи илмий марказлар, тадқиқот институтлари ва таълим муассасалари томонидан Европа Ренессанс даврида вужудга келган маънавий-маърифий фалсафий-ахлоқий, умуминсоний қадриятларга содиқлик, бағрикенглик, соғлом фикр, илм олишга қаратилган ғоялар таҳлиliga бағишланган фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Европа Ренессанс даврида вужудга келган Мишел Монтен илмий меросидаги олам ва инсон борлиги, ўзликни англаш, иймон-эътиқод, виждон поклиги, ақл баркамоллиги, инсонпарварлик, адолат, табиат борлигига оқилона муносабат каби позитив ғоялар асосида етук маърифий шахс қиёфасини шакллантириш орқали инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракати, фаолияти олдидаги маъсулликка оид тадқиқотлар олиб бориш долзарб бўлиб, илмий-назарий ва фалсафий-методологик жиҳатдан зарурият касб этмоқда.

Мамлакатимизда барқарор тараққиётни таъминлаш ва янги маънавий қиёфани шакллантиришга қаратилган илмий, маънавий, маданий соҳаларда ислохотлар олиб борилмоқда. “Жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган ушбу илмий-маънавий мерос дунё маданияти ва маънавияти тараққиётига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилгани маълум. Айнан ана шу омил Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда, илм-фан, маънавий ва маданий фаолият, таълим-тарбия соҳаларини кенг ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш учун асос бўлмоқда”<sup>1</sup>. Маънавий ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар шароитида Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларга таянган маданиятни янада ривожлантириш ва ёшлар тарбиясида ушбу маънавий бойликдан фойдаланиш долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 1 июлдаги ПФ-6255-сон “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021 - Б. 34-35.

терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳонда Мишел Монтен илмий меросини ўрганиш ва ундан фойдаланиш бўйича илмий-фалсафий, бадиий-маърифий соҳадаги кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Н.Д.Арутюнова, Л.Е.Балашев, М.Е.Gregory, М.Е.P.Bonnet, М.К. Голованивская, Маделеине Лазард, Ф.А.Коган-Бернштейн, Р. Н. Popkin<sup>2</sup> каби файласуф олимларнинг тадқиқотларини келтириш мумкин.

Мишел Монтеннинг ҳаёт йўли ва илмий-фалсафий қарашлари ҳамда етук ахлоқий шахсни шакллантиришнинг фалсафий омиллари борасида МДХ мамлакатлари олимларидан Т.Малиева, Н.Пахсарьян, А.Пискунов, П.С.Таранов, М.Слепнева ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин<sup>3</sup>. Жумладан, Г.Косиков Мишел Монтенни сўнгги гуманист сифатида, унинг таълимотидаги инсон шахсининг мустақиллиги ва эркинлиги ғоясини таҳлил қилган бўлса<sup>4</sup>, В.Комарованинг тадқиқотларида Шекспир ва Монтен қарашларининг қиёсий таҳлили, шунингдек, Мишел Монтен фалсафасини янги давр фалсафасига, хусусан Бекон, Декарт, Гассенди, француз

<sup>2</sup> Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. –Москва.: 1998. – 896 С.; Балашев Л.Е. Философия. – Москва.: Дашков и Ко, 2018. – 612 С.; Gregory М.Е. Montaigne // Idem. Free Will in Montaigne, Pascal, Diderot, Rousseau, Voltaire and Sartre. - Berlin: Peter Lang, 2012. P. 29–44.; Bonnet P. Bibliographie Methodique Et Analytique des Ouvrages et Documents Relatifs a Montaigne (jusqu'en 1975). Published by Editions Slatkine, Geneve - Paris, 1983.; Голованивская М.К. Французский менталитет с точки зрения носителя русского языка: Монография. –Москва.: 1997. – 279 С.; Lazard Madeleine Michel de Montaigne, biographie. Paris: Fayard, 2002.; Коган-Бернштейн Ф. А. Мишель Монтень и его «Опыты» // Монтень М. Опыты. –Москва.: ТЕРРА, 1996. – Т. 2. Кн. 3. – 544 С.; Montaigne M. Les Essais / edition de Pierre Villey. – Paris.: Presses Universitaires de France, 1988. - L. 1-3.; Popkin R. Н. Michel de Montaigne and the Nouveaux Pirrhoniens // The History of Scepticism: From Savonarola to Bayle. - Oxford: Oxford University Press, 2003. P. 44–63.;

<sup>3</sup> Малиева Т.И. «Опыты» М. Монтеня об искусстве жить достойно / Т.И. Малиева, З.Х. Тотрова // Современные исследования социальных проблем. – 2016. – № 3–3(27). – С. 171–179.; Пахсарьян Н.Т. Мишель де Монтень (1533—1592). Исторический лексикон. XIV-XVI века: В 2-х книгах. Москва: Академкнига. Учебник, 2006. – 210 С.; Пискунов А.И. Мишель Монтень. Хрестоматия по истории зарубежной педагогики. Москва: Просвещение, 1971 – С. 560.; Таранов П.С. Мишель де Монтень. Философский биографический словарь. Москва: Эксмо, 2004 – С. 893.; М.И.Слепнева Концептуальное поле верту в «Опытах» Мишеля де Монтеня / автореф. дис.канд. филол. наук: 10.02.05. Санкт-Петербург, 2008 – С. 22.

<sup>4</sup> Косиков Г.К. Последний гуманист, или Подвижная жизнь истины. Опыты. Избранные главы. - Москва: Правда, 1991 – С. 656.;

маърифатпарварлари – Волтер, Ламетрилар таълимотларини шаклланишига ижобий таъсир кўрсатганлигини қайд этади<sup>5</sup>.

Ўзбекистонда Мишел Монтен ижтимоий-фалсафий мероси, унинг етук ахлоқий шахсни шакллантириш борасидаги қарашларини ўрганишга бағишланган махсус илмий тадқиқотлар олиб борилмаган бўлсада, С.Йулдошев, Р.Каримов, Қ.Назаров, Д.Норматова, Г.Рўзматова, М.Усмонов, С.Чориев, Қ.Шодмонов, Г.Қобулниёзова каби олимларнинг илмий тадқиқотларида бир қатор Ғарб Уйғониш даври намоёндаларининг фалсафий-ахлоқий таълимотлари, бугунги кунда юксак маданиятли ва ахлоқий етук шахсни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий омиллари тадқиқ этилган<sup>6</sup>.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тадқиқотчиларнинг илмий изланишларидан методологик манба сифатида фойдаланилди. Таҳлил натижалари мазкур йўналишда бажарилган ишларда Мишел Монтеннинг фалсафий меросидаги дин, ахлоқ, сиёсат масалаларига ҳали яхлит тадқиқот объекти сифатида илмий таҳлил қилинмаганлигини кўрсатмоқда. Мавзу доирасидаги муаммо илк бор тадқиқ этилиши билан аҳамиятли ва етук ахлоқий шахсни тарбиялаш концепциясини илғор хорижий тажрибалар асосида яратишга алоҳида эътибор қаратилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОФ-07-сон “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний кадриятлар ва жамият барқарорлиги” (2017-2021 йй.) номли йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Мишел Монтеннинг “Тажрибалар” асаридаги етук ахлоқий шахсни тарбиялашнинг ҳозирги давр учун илмий-назарий, маънавий-маърифий аҳамиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Мишел Монтен дунёқараши шаклланишини методологик таҳлил қилиш ва мутафаккирнинг ҳаёт йўли ва маънавий меросига илмий, ижтимоий-фалсафий тасниф бериш;

Мишел Монтен ижодида олам ва одам борлиғи масаласини тадқиқ этиш; мутафаккир ижодидаги “инсон бахти” ва “ўзликни англаш, ўрганиш”, “ёлғизлик”, “фазилат”, “инсоний ният”, “мағрурлик” каби тушунчаларига илмий-фалсафий таъриф ва тавсиф бериш орқали сифатий хусусиятларини аниқлаш;

<sup>5</sup> Комарова В.П. Шекспир и Монтень. Ленинград: Изд-во Ленинградского университета, 1983 - С. 168.

<sup>6</sup> Йулдошев С., Каримов Р, Усмонов М, Қобулниёзова Г, Рўзматова Г. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII-XX асрлар). Тошкент: Шарқ, 2002 – Б. 336; G'arb falsafasi. Tuzuvchi va mas'ul muharrir Nazarov Q. - Toshkent: Sharq, 2004. - Б. 720; Чориев А., Чориев С. Ренессанс даври. Европа фалсафаси. - Тошкент: Tafakkur qanoti, 2015. – Б.112; Шадманов К. Английская духовность и язык. - Дюссельдорф: Изд-во Lambert, 2015. - С. 264.

мутафаккирнинг ижтимоий-фалсафий таълимоти мисолида Европа Уйғониш даврининг гуманистик антропоцентризм масалаларини очиб бериш;

Мишел Монтеннинг етук ахлоқий шахсни шакллантириш фалсафий омилларининг жамиятни ривожлантириш сифатидаги ўзига хослигини ва унинг ҳозирги замон учун аҳамиятини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида етук ахлоқий шахсни шакллантиришни асословчи Мишел Монтеннинг “Тажрибалар” номли асари назарий манба сифатида танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Мишел Монтеннинг “Тажрибалар” асаридаги етук ахлоқий шахсни шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий омилларини аниқлаш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашув, тарихийлик, мантикийлик, герменевтик таҳлил, илмий холислик, фалсафанинг тизимли функционал таҳлили, объективлик, анализ ва синтез, алоқадорлик, хусусий тасдиқ, умумийтасдиқ, абстракциялаш, моделлаштириш каби тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Мишел Монтеннинг “Тажрибалар” асаридаги жисм, рух, ақл баркамоллиги, инсонпарварлик, маданиятлараро мулоқот сингари секуляристик ғояларнинг тинчликни таъминлаш, фуқаролар урушининг олдини олиш ва зиёлилар қадриятига айланганлиги Ғарб Уйғониш даври гуманист-файласуфларининг маънавий меросида етакчилик қилганлиги исботланган;

“Тажрибалар” асаридаги ўзликни англаш, иймон-эътиқод, виждон поклиги ғояларининг гуманистик моҳияти умрбоқий меросни чуқур ўрганиш ва қадрлаш, замонавий илм-фан ютуқларини эгаллаш, масъулият ва орият фазилатлар ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришда субстанционал асосга эга эканлиги фалсафий жиҳатдан далилланган;

Мишел Монтен илмий-маънавий мероси фарзанд тарбияси масаласидаги ахлоқий-эстетик муаммолар ечимини топиш йўлларидаги бунёдкорликка ундовчи ғоявий асос эканлиги аниқланган;

Мишел Монтеннинг рух поклиги, адолат, виждон софлиги, эркин фикрлаш каби конструктив ғоялари демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг бош тамойили ҳамда инсон қадрини юксалтиришнинг мезонига айланиши бугунги давр характерида адекват эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

илмий тадқиқот натижалари Республика маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳамда “Йўл харитаси” да белгиланган чора тадбирлар дастурлари ва лойиҳалар сценарийларини тайёрлашда тадбиқ этилган;

маҳаллаларда ёшлар маънавиятини юксалтириш, шунингдек, тизим ходимларининг ишга бўлган муносабати, шахсий жавобгарлик ва

масъулиятини оширишга ҳамда уларда касбий ва ахлоқий маданиятини уйғунлигини таъминлашга хизмат қилган;

ёшларнинг камолотга эришишида умуминсоний қадриятларга хос бўлган руҳ поклиги, соғлом фикр, адолат, виждон софлиги, эркин фикрлаш каби конструктив ғояларни аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, усуллар ва илмий маълумотларнинг расмий манбалардан, ишончли далиллардан олинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монографиялар ва диссертацион иш ҳақидаги тақриз, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фалсафий таҳлиллар ва улар асосида чиқарилган хулосаларда миллий тараққиёт ва баркамол авлод тарбияси учун буюк алломаларнинг маданий-маънавий ҳамда илмий-назарий мероси муҳим ўрин эгаллайди. Мишел Монтеннинг етук ахлоқий шахсни шакллантиришнинг фалсафий омиллари, ҳақиқат, олам, борлиқ ва инсон талқини, вафодорлик, фаровонлик ва мутлақ гўзаллик ҳақидаги фикрлари миллий ғоя, миллий онг ва миллий ғурурни ёшлар онгига сингдиришда назарий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади. Инсоннинг ўзлигини англашга ва унинг ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам беради. Мишел Монтен ахлоқий қарашларининг турли жиҳатлари бўйича келажакда амалга оширилиши зарур бўлган илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат марказининг жойларда олиб бораётган тарғибот ишларида, “Фалсафа тарихи”, “Ижтимоий фалсафа”, “Ахлоқшунослик” каби фанлар мазмунини янги маълумотлар билан бойитиш, дарслик, ўқув қўлланма, фан мажмуаларини яратиш, шунингдек, маъруза ва семинар машғулотларини олиб боришда муҳим қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Монтеннинг етук ахлоқий шахсни шакллантиришнинг фалсафий омилларини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Мишел Монтеннинг “Тажрибалар” асаридаги жисм, руҳ, ақл баркамоллиги, инсонпарварлик, маданиятлараро мулоқот сингари секуляристик ғояларнинг тинчликни таъминлаш, фуқаролар урушининг олдини олиши ва зиёлилар қадриятига айланганлиги асосида Ғарб Уйғониш даври гуманист-файласуфларининг маънавий меросида етакчилик қилганлиги қиёсий таҳлил воситасида фалсафий жиҳатдан

далилланганлигига оид ғоявий, илмий, назарий хулосалар, методологик тавсиялари ҳамда амалий таклифларидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил II ярим йилликка мўлжалланган иш режасининг 8-устувор йўналиши “Маҳаллаларда ва оилаларда соғлом ва барқарор ижтимоий-маънавий муҳит ҳамда тинчлик, тотувлик ва осойишталикни таъминлаш” ҳамда 10-устувор йўналиши “Кекса авлод вакиллари ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ва Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш” бандларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва Оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 20 сентябрдаги 02-04/2215-сон далолатномаси). Натижада, маҳаллаларда ёшлар маънавиятини юксалтириш, шунингдек, тизим ходимларининг ишга бўлган муносабати, шахсий жавобгарлик ва масъулиятини оширишга ҳамда уларда касбий ва ахлоқий маданиятини уйғунлигини таъминлашга хизмат қилган;

“Тажрибалар” асаридаги ўзликни англаш, иймон-эътиқод, виждон поклиги ғояларининг гуманистик моҳияти умрбоқий меросни чуқур ўрганиш ва кадрлаш, замонавий илм-фан ютуқларини эгаллаш, масъулият ва орият фазилатлари орқали ёшлар маънавий қиёфасини шакллантиришда субстанционал асосга эга эканлиги фалсафий жиҳатдан исботланганлигига оид диссертациясида илгари сурилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази мажлисининг 2021 йил январдаги Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси” да белгиланган чора-тадбирлар дастурининг 6-банди “Олий таълим муассасалари талабалари, докторант ва изланувчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Учинчи Ренессанс - ёшлар нигоҳида” номли лойиҳалар танловини” ҳамда 13 - банди “Илм-фан, санъат ва маданият, ахборот технологиялари, бадий ижод, архитектура ва дизайн, тадбиркорлик ва ҳунармандчилик каби турли соҳаларда фаолият юритаётган, ташаббускор ва фидойи ёшлар ўртасида “Ватан тараққиётига менинг ҳиссам” лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, мамлакатда бошланган улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ҳаракати, мақсадли ислохотларни кенг халқ оммасига етказиш, жамиятда фаол фуқаролик туйғусини мустаҳкамлаш, бунда зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндалари, салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда тарғибот-ташвиқот фаолиятида диссертация материалларидан фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2021 йил 16 августдаги 02/08-968-сон далолатномаси). Натижада, Мишел Монтен фалсафий қарашлари моҳиятидаги етук ахлоқий шахсни шакллантириш, камолотга эришишда умуминсоний қадриятларга хос бўлган бағрикенглик, хурфикрлилик, адолатлилик, камтарлик, меҳнатсеварлик каби гуманистик ғояларни бугунги давр нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш имконини берган;

Мишел Монтен илмий-маънавий мероси фарзанд тарбияси масаласидаги ахлоқий-эстетик муаммолар ечимини топиш йўлларидаги бунёдкорликка ундовчи ғоявий асос эканлигига оид илмий янгилик, назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифларидан Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Ф1-ФА-1-16435 ФА-Ф1-Г005 “Шахс акмеологик муаммоларнинг ахлоқий ечимлари: ижтимоий-этик тадқиқот” (ҳолат ва истиқбол) мавзусидаги амалий грант лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий университетининг 2021 йил 30 июлдаги 04/11-3942/1-сон далолатномаси). Натижада, ёшларда илм, ҳикмат ва маърифатга асосланган ғоялар, маърифий дунёқарашни шакллантиришга қаратилган ишларга ижобий таъсир кўрсатган;

мутафаккирнинг руҳ поклиги, адолат, виждон софлиги, эркин фикрлаш каби конструктив ғоялари демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг бош тамойили ҳамда инсон қадрини юксалтиришнинг мезонига айланиши бугунги давр характерига адекват эканлиги асосланганлигига оид илмий янгилик, назарий хулосалари, методологик тавсиялари ҳамда амалий таклифларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Самарқанд!” кўрсатувининг 2021 йил 02 июль куни эфирга узатилган сонининг сценарийсини ҳамда “Таълим ва тарбия” радиоэшиттиришининг 2021 йил 03 июль куни эфирга узатилган навбатдаги сонининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (ЎЗМТРК Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 14 июлдаги 09-09/398-сон маълумотномаси). Натижада ёшларнинг етук ахлоқли шахс сифатида шакллантириш, уларнинг камолотга эришишида умуминсоний кадриятларга хос бўлган руҳ поклиги, адолат, виждон софлиги, эркин фикрлаш каби конструктив ғояларни аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, жумладан, битта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та илмий мақола (3 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 142 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари,

мақсади ва вазифалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр қилинган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ғарбий Европа Уйғониш даври эволюциясида фалсафий фикр таракқиёти”** деб номланиб ва унда Уйғониш даврининг хусусиятлари ва ижтимоий-фалсафий фикрлар ривожланиши, Мишел Монтеннинг “Тажрибалар” асари фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этилган.

Ренессанс даври – Европада XIV асрдан бошланди. Бу ижтимоий-тарихий жараён Европанинг турли мамлакатларида ўзига хос такрорланмас ҳолда кечган. Мутахассисларнинг фикрича, Ренессанс даври Европада уч асосий босқични (XIV аср), етуклик (XV аср) ва сўнгги (XVI аср) босқичини босиб ўтган<sup>7</sup>.

Уйғониш даврининг энг кўзга кўринган вакилларининг илмга бўлган кучли иштиёқи, турли хил соҳаларда тинимсиз ижодий ишлар олиб бориши, идеалга интилишлари билан ажралиб турган. Уларнинг барчаси ғайрат ва самимийлик билан “Ақл республикаси” нинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишни хоҳлашган. Улар одамни ўрта асрларда ушлаб турилган хорлик ҳолатидан чиқариб, уни оламнинг марказига, ҳаёт эгаси, барча қадриятларнинг яратувчисига айлантиришга қодир эдилар.

Тадқиқотчи фикрича, ушбу тарихий даврда вужудга келган маданиятнинг ва айниқса фалсафанинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу давр файласуфлари - инсон энг олий қадрият эканлигини исботлаганлар. Айнан шу даврда ижтимоий муносабатларга инсонпарварлик мезони асосида янгича баҳо бериш вужудга келди. Ушбу давр ўз навбатида - Ғарбий Европанинг таракқий этган мамлакатлари учун миллий давлатлар ва мутлақ монархияларни, капиталистик муносабатларни пайдо бўлиши, кескин ижтимоий ва диний тўқнашувлар ҳамда буюк географик кашфиётлар даври бўлди.

Ғарбий Европада мавжуд бўлган христианликнинг ўзига хос шакли Уйғониш даврининг пайдо бўлишида муайян даражада муҳим рол ўйнайди. Италиянинг дастлабки Уйғониш даври маркази сифатида намоён бўлиши бежиз эмас. Биринчидан, католик ҳаётининг ташқи томонлари эркин фикрловчи Уйғониш даври файласуфларининг пайдо бўлиши учун муҳим туртки бўлиб хизмат қилди. Рим папаларининг машҳур Авиғнон асирлиги, антипопларнинг ҳар хил турларини пайдо бўлиши одамлар онгида мавжуд ахлоқий асосларнинг адолатлилиги ва ҳаттоки эркин фикрга қайтиш ва умуман католик ва насронийлик ғояларини инкор этиш тўғрисидаги шубҳаларни келтириб чиқарди. Бошқа томондан, католик дунёқарашининг ўзи асосан схоластик фалсафадан чиқиб кетишга ёрдам берди. Маълумки, католикда, фалсафа Византия ёки Россия православлигига қараганда анча ривожланган эди. Шунинг учун ҳам Ғарбий католик шахсининг дунёқарашини

<sup>7</sup> История философии в кратком изложении. / Перевод с чешского И.И.Богута. - Москва: Мысль, 1991. - С. 574

янада оқилона, онтологик ва айниқса эпистемологик масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиб, ушбу ёндашувга кўра, Худо тушунчаси кўпинча одамдан ажралиб турар эди ҳатто Худо дунёнинг маркази эмас, балки ҳаётнинг мазмуни ва мақсади ҳам эмас, балки ҳар хил шубҳаларга йўл кўядиган соф назарий билим объектига айланган эди. Бундай шубҳалар пайдо бўлиши учун замин яратилди ва кейинчалик бундай замин Худони беғараз инкор этиш даражасига етди.

Диссертацияда XVI аср француз адабиёти миллий ўзига хосликни шакллантиришда улкан рол ўйнаганлиги асосланади. Бу давр Маргарита Наваррская, Клеман Маро, Пьер де Ронсар, Дю Белле ва ниҳоят, ўз даврининг барча муаммоларини қамраб олган Франсуа Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагруэль” номли асари, шунингдек, Монтеннинг “Тажрибалар” каби асарлари ва уларда илгари сурилган ғояларнинг аҳамияти нафақат ўзига хослиги билан, балки ўша давр учун, ҳеч бир муболағасиз, жаҳон адабиётида ўз ўрнига эгаллиги билан ҳам қийматлидир. Европа Уйғониш даврининг энг йирик мутафаккири, таниқли жамоат ва сиёсий арбоби Мишел Монтен ўз даврининг адабий-фалсафий ва лингвомаданий фикрининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган ва у Уйғониш даврининг сўнгги гуманисти ва янги даврнинг биринчи ахлоқшуноси ҳисобланади. Аллома қомусий мутафаккир сифатида ҳам назарий ҳам когнитив муаммоларни ҳисобга олган ҳолда антик даврда шаклланган анъаналарни ривожлантиришни давом эттирган.

Тадқиқотда таҳлил объектига айлантирилган ушбу давр фалсафий фикр тараққиёти, айниқса, XVI аср асрнинг иккинчи босқичида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, илм-фан маркази бу даврда Францияга кўчди ҳамда ушбу маърифатчиликнинг ўзига хос хусусиятлари: 1. байналминал хусусият; 2. феодализмга қарши йўналишда эканлиги; 3. динга қарши, антиклерикал хусусиятга эгаллиги; 4. фан кучига қаттиқ ишониши; 5. келажакка кўтаринки руҳ билан қарашда намоён бўлганлиги асослаб берилган. Франциядаги маданий ривожланишда буюк файласуф ва гуманист Мишел Монтеннинг маънавий мероси алоҳида аҳамият касб этиб, бошқа мамлакатлардаги (Америка, Германия, Россия ва бошқалар) маърифатчиликка қараганда анча ривожланган шаклга эга эканлигини кўриш мумкин.

Мишел Монтен барча янги давр файласуфлари каби ижтимоий-маданий муҳитнинг махсули бўлиб, унинг ўзига хослиги реалист эканлигида эди. У ўз асарларида схоластик фалсафани сохта билимлар манбаи эканлигини ёзиб, схоластик фалсафани ташкил этган манбаларни таҳлил қилар экан, “сўзлар фикрларга бўйсиниши ҳамда унинг изидан бориши лозим, бунинг тескариси бўлиши керак эмас”<sup>8</sup>, - деб таъкидлайди. Схоластик фалсафани танқид қилар экан, Монтен инсонпарварлик ҳақидаги ғояларни тарғиб қилишда скептикларнинг фикрларига таянади, уларнинг инсоний билимларнинг ҳақиқийлиги ҳақидаги қарашларини бойитади.

---

<sup>8</sup> Монтень М. Опыты. / Подготовили А.С.Бобович, Ф.А.Коган-Бернштейн, Н.Я.Рыкова и А.А.Смирнов. Т III. - Москва: Наука, 1979. - С.160

Монтеннинг фалсафий қарашларида скептизм ғоялари яққол кўриниб туради. У инсоннинг билиш фаолиятини унинг билим ва билимсизлик орасидаги ҳаракати, деб қарайди. Монтен фалсафасида гносеологик муаммоларни махсус тадқиқ этмаган бўлса-да, инсоннинг билиш фаолиятига доир қатор аргументли “фикрнинг қадимийлиги – ҳақиқат мезони бўла олмайди”, - деган фикр-мулоҳазаларни баён қилган. Ҳар қандай ҳақиқий билим тажриба ва мулоҳазага асосланиши зарур. Мутафаккир фалсафасидаги билиш жараёни ҳис-туйғудан бошланади. Унингча, ҳис-туйғулар бизни ташқи олам билан боғлаб турадиган ягона восита бўлиб, ҳар қандай ақлий фаолият ҳис-туйғуга таянади.

Монтен фалсафий қарашларининг энг аҳамиятли жиҳати инсон ақли ҳақидаги мулоҳаза бўлиб, у файласуф сифатида биринчи бўлиб ақлдан фойдаланиш меъёрлари тўғрисида фикр юрита туриб, ақлни доимий ишлатиб бўлмаслиги, ундан маълум меъёргача ишлатиш мумкинлиги, меъёрдан ўтгач ақл иш бермайди, деган хулосавий қарашни илгари суриб, қайд этадики, диний ақидалар ва Худонинг мавжудлигини ақл ёрдамида билиш мумкин эмас. Шу сабабли, Худонинг мавжудлигини ақл ёрдамида асослаш ва унга интилиш, диний ақидаларни рационалистик тизимини яратишга бўлган уриниш Монтен наздида бемаънилиқдир. У ўзининг Худо ҳақидаги қарашларида Худони инсонга хос бўлган белгилардан озод қилади.

Монтен соғлом фикр тарафдори бўлган. Унинг учун расмий схоласт билимидан кўра, оддий деҳқоннинг одоби ва нутқи чинакам фалсафадир. Соғлом фикрлилик, Монтен назарида ҳаётдан узилиб қолмаганларга хосдир.

Диссертацияда Монтеннинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари заминидан унча ўзига хос тезис ётиши келтирилган. Улар:

1. Инсон ҳар доим ҳаётда маълум ахлоқий қоидаларга амал қилиши лозимлиги

2. Борлиқнинг бир бутунлигини эътироф этган ҳолда, инсоннинг табиат билан узвий алоқадорликда яшаши

3. Инсонни ақл-заковати унинг олий белгиси бўлиб, унинг ҳукмига бўйсиниши зарур.

Монтеннинг натуралистик фалсафаси ўз навбатида ижтимоий-ахлоқий характерга эга бўлиб, инсон дунёга келар экан ҳаётдан лаззат олишни, яшашни ўрганмоғи лозим. Ҳаёт умумий маънога ва моҳиятига кўра, на яхшилиқ ва на ёвузликдан иборат эмас. Эҳтимол, унда эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам намоён бўлади. Демак, инсон ўз ҳаётини қандай бўлишини ўзи яратади. Монтен назарида инсонларнинг бир-биридан фарқи уларнинг хислатлари ва фазилатларига қараб ўлчанади ва бу ижтимоий-руҳий жараён ҳисобланиб, инсоннинг бутун умри давомида ўзгариб туради.

Демак, “Тажрибалар” асари фақатгина адабий-фалсафий жанрда ёзилган рисола ёки автобиографик ёхуд кундалиқ эмас. Аксинча, бу асарда Монтен муаммони ўзига хос усулда қўйиб, дунё, ҳаёт, инсон тақдири борасидаги ўзининг тугал фикр-мулоҳазаларини акс эттиради. Бу билан муаллиф ўтмиш ва бугунги даврнинг турли хил тарихий далиллар аспектида, турли хил ёш ва

шароитдаги одамларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари, маданият даражаси ва жамиятдаги мавқеи ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Мазкур асар билан дастлаб танишган инсонга асарда энг муҳим ички бирлик йўқдай туюлса-да, бироқ асар ташқи томонидан безакланган шакл билан эмас, балки ички фикр бирлиги, фикрловчи субъектнинг бирлиги билан белгиланади. Бу айнан унинг мулоҳазалари, ички мулоқоти, яна кимгадир озгина мурожаат қилинганлиги ва муаллифнинг шахсиятида – “Тажрибалар” асари саҳифаларида пайдо бўладиган барча қарашлар тизимининг асосий ядроси эканлигини кўради.

Тадқиқотчи фикрича, Монтен ижодидаги айрим тушунчалар бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Ишонч ва шубҳа, иймон ва сабр, мўътадиллик ва эҳтирос, жасорат ва эҳтиёткорлик, қонунга риоя этиш ва унинг устидан қулиш, ўрнатилган тартибга бўйсунуш ва адолатсизликни ҳис этиш шулар жумласидан бўлиб, унга хос бўлган ягона зиддиятсиз ҳиссиёт бу – ўзининг маънавий итоаткорлигидир. Файласуфнинг скептиклиги барча мавжуд билимлар билан боғлиқ ҳолда ақлни ишлатиб таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйган. Шу муносабат билан у ўзини аямасдан, “Тажрибалар” асари доирасида ўз-ўзига баҳо бериш жараёнини ўтказди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Монтен таълимотида инсон маънавий-ахлоқий ривожланишнинг фалсафий муаммолари”** деб номланиб, ушбу бобда Мишел Монтеннинг етук ахлоқий шахсни шакллантириш концепцияси, ўзликни англаш, инсон фазилатларини рўёбга чиқариш усулларига оид қарашлари очиқ берилган.

Диссертант таъкидлашича, “Тажрибалар” асарининг асосий моҳияти инсон бунда ўзини англаш учун ўзига ва ўз онгига нисбатан тажрибалар ўрнатишга уринишдан иборат. Инсон ўзининг асосий принципида нарсаларнинг моҳиятини билмаслигини айта туриб, “агар биз нарсаларни қандай бўлганлигини билсак, уларни худди шундай қабул қилган бўлар эдик”<sup>9</sup>. Унингча, ақл-идрок шубҳалар билан доимий ўзаро алоқада иштирок этиш билан бирга, ўз-ўзидан чекиниб, мавжуд бўлган барча нарсаларни тушунишга интилади. Монтен ўзининг “Тажрибалар” асарида Рене Декартнинг фалсафий позициясида фундаментал асос олган янги метафизикага йўл очди.

Монтен ўз қарашларида амалий қонунларга риоя қилишга интилмайди, бироқ у ўз қалбининг ички ҳаракатига хос бўлган ҳаёт ритмининг динамикасини белгилайдиган ҳодисаларнинг мавжуд полиморфизмидан билим олади. Инсоннинг ҳаёт ҳақиқати ҳақидаги қарашлари ҳақиқат сифатида тавсифланган ички тотувликнинг юзага келишига ёрдам беради. Монтен мулоҳазаларига кўра, инсоннинг ўз-ўзини билишга бўлган истаги, бу инсоннинг моҳиятини англашга, шунингдек, шахсан ташкил топган ички тажриба орқали унинг “мен” ининг ҳақиқий мантикий контекстини олишга ёрдам берадиган бирон бир эмпирик принципдир.

---

<sup>9</sup> Монтень М. Опыты. Книга 3. / Издание подготовили А.С.Бобович, Ф.А.Коган-Бернштейн, Н.Я.Рыкова, А.А.Смирнов. 2-е издание. Ответственный редактор Ю.Б.Виппер. - Москва: Наука, 1979. – С.271

Мутафаккир меросидаги асосий ғоялар унинг ўзини тасвирлаш, табиат қонунларини тушунишини ўз мисолида кўрсатишга интилганидан далолат беради<sup>10</sup>. Унингча, бошқа барча тадқиқотчи, файласуфлар инсон яратилиш жараёнини ўзлари яратадилар, Монтен эса шунчаки ўзига хос шахс сифатида ўзи ҳақида айтиб беришга интилади.

Монтен инсон билан боғлиқ мавжуд ҳақиқатни фожиали идрок этишга интилмасдан инсонни буюк куч ва ҳурмат билан ажаблантирадиган сирли мавжудот сифатида қабул қилмайди. Унинг мулоҳазаларига кўра, инсон “хайратланарли даражада беҳуда, чиндан ҳам ўзгарувчан ва абадий ўзгарувчан жонзот”, “у қандай куракда турмайдиган сўзлар билан ифодалаш зарурати бўлса, шунчалик кулгили”. Инсонни доимий ўзгарувчан мавжудот сифатида тушуниш учун тажриба зарур. Булар дейди мутафаккир – “ўз устидан амалга оширилган тажрибалар” ёки “ўз-ўзи учун уюштирилган тажрибалар”<sup>11</sup> дир. Монтен ўзининг тавсифларига мувофиқ равишда, жамият ғоялари эволюциясини таҳлил қилиш имкониятини бериш истагига ишора қилади. У бу ўзгариш жараёнини мустақил равишда кузатиб бориш истаги ҳақида бўлади.

Диссертант фикрига кўра, ташқи дунё театрнинг саҳнасимон кўриниши бўлиб, у инсоннинг ички дунёсини, унинг руҳини ойдинлаштиришга ҳисса қўшиши мумкин. Монтен ўзгарувчан нарсаларнинг ташқи муҳити, ўз-ўзини бошқариш ва ўз “мен” ини англаш учун ўз-ўзини англашдаги услубий ҳаракатларини такрорлаб, интеллектуал юк ҳосил бўладиган амалий маънони яратади. Бунда файласуф доимий равишда ўзига бўлган қизиқиш ҳақида гапиради, атрофда бўлаётган чин воқеликка эмас. У ўзининг жоҳиллигига ишора қилади, лекин буни у кучли ва олижаноб ҳодиса сифатида қараб, ҳаётга тўғри йўл вазифасини бажарадиган ўз-ўзини билиш жараёнида ўзига бўлган ишонч эмас, балки ўзининг жоҳиллигига ҳисса қўшиши мумкинлигини таъкидлайди.

Инсон учун ўзини кашф этиш жараёни “ўзида” амалга ошириладиган экспериментал фаолият доирасида амалга оширилади. Монтен наздида, инсон ҳаёт фаолиятини олиб борадиган эмпирик ҳолатлар туфайли доимий ўзгаришга дуч келади. Инсоннинг бошқалардан ажралиб турадиган ўзига хос фазилатлари ва хислатлари бутун умри давомида ўзгариб туриши бўлиб, бу ўзгариш маълум рационал ахлоқий қоидалар асосида бўлиши шарт. Демак, Монтеннинг етук ахлоқий шахс назариясида инсон камолотида ақлнинг ўрни ўзига хосдир.

Мишел Монтеннинг “Тажрибалар” асаридаги ғоялари инсоният цивилизациясининг маданий-фалсафий тафаккурининг янги босқичи сифатида янги давр учун йўл очди. Бир томондан, Монтен таълимоти метафизика ва схоластикани қабул қилмасдан гуманистик ҳаракатга,

<sup>10</sup> Монтень М. Опыты. Книга 3. / Издание подготовили А.С.Бобович, Ф.А.Коган-Бернштейн, Н.Я. Рыкова, А.А. Смирнов. 2-е издание. Ответственный редактор Ю.Б. Виппер. - Москва: Наука, 1979. -С.238-239

<sup>11</sup> Монтень М. Опыты. Книги 1-2. / Издание подготовили А.С.Бобович, Ф.А.Коган-Бернштейн, Н.Я.Рыкова, А.А.Смирнов. 2-е издание. Ответственный редактор Ю.Б.Виппер. - Москва: Наука, 1979. - С.242

аникроғи, унинг рационалистик йўналишига тўлиқ мос келади ва антик давр муаллифлари, асосан, стоиклар фалсафий қарашларига ҳамоҳангдир.

Диссертант, Монтен фалсафий дунёқарашининг диққат марказида Худо эмас, инсоннинг ўзи ва боз устига энг аниқ ва том маънодаги одам - мутафаккирнинг ўзи туришини қайд этади. Монтен мулоҳазаларига кўра, инсон асосан ҳар қандай тизимни қуриш принципини кашф этишга қодир эмас. Ҳақиқат у учун яширинган ҳодиса. У ҳар доим фақат ҳақиқий билим деб даъво қиладиган фикрларнинг келишмовчилиги билан шуғулланади. Сукротнинг “ўзингни ўзинг бил” деган фалсафий тамойилини Монтен индивидуалистик нуқтаи-назардан изоҳлайди. Шунчаки ўзинг каби одамни эмас, фақат алоҳида олинган ўзингни шундай бил, яъни, Мишел Монтеннинг “Тажрибалар” асари муаллифини англаганимиз каби. “Ўзингизнинг билимингиз, феъл-атворингиз, одатларингиз, нималарга қодирлигингиз ва нимага мажбур бўлмаслигингиз ҳақида хабардор бўлинг, сўнгра ўз чегараларингизни белгилаб, дунё ҳақида гапира бошланг. Ҳар сафар бу сизнинг ва фақат сизнинг ҳукмингиз эканлигини англаб, сиз ҳақиқатан ҳам ўзингизни танимайсиз, - бу Монтеннинг қатъий шиори эди”<sup>12</sup>.

